

ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ**Маматкаримов Илёсбек Бахритдин ўғли**

Наманган давлат университети Тарих йўналиши магистранти

mamatkarimovilyisbek@gmail.com

Совет даврида жадидчилик ҳаракати тарихини ўрганиш масаласига ноҳоли ёндошилди. Истиклолга қадар жадидчилик ҳаракати тарихини ҳолисона ўрганиш имконияти мавжуд эмас эди. Жадидчилик ҳаракати тарихшунослигини шартли равишда иккита катта даврга ажратиш мумкин: 1) Совет давридаги адабиётлар; 2) Мустақиллик даври тадқиқотлари.

Тарихшуносликнинг биринчи даврида коммунистик мафкура тазйиқи оқибатида 20-йилларнинг охирларидан миллий-озодлик ҳаракатларига баҳо бериш бир ёқлама тус олганлигини кўриш мумкин:

- Ягона мезон сифатида марксча-ленинча таълимот қабул қилинди;
- Ҳукмрон коммунистик мафкура шароитида жадидчиликни Туркистон халқлари тарихида тутган ўрни инобатга олинмади ва у нуфузли ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида тадқиқ этилмади;
- Уни тор доирадаги маълум синфлар, гуруҳлар манфаати учун хизмат қилувчи «миллатчилик» ғояси ва «реакцион» мафкура сифатида исботлашга уринилди;
- 20-йилларнинг охирларидан бошлаб 80-йилларнинг иккинчи ярмига қадар жадидчилик ҳаракати «реакцион», «буржуа-миллатчилик» ҳаракати сифатида талқин этилиб келинди;
- 60-йиллардаги адабиётларда ҳам жадидчилик реакцион оқим сифатида баҳоланиб, жадид нашрлари қораланди;
- 70-йиллардаги нашрлар ҳам марксча-ленинча дунёқараш руҳи билан суғорилган бўлсада, жадидчилик ҳақида айрим фикрлар билдирилган;
- 80-йилларнинг биринчи ярмида яратилган илмий тадқиқотларда ҳам партиявийлик, синфийлик асослари яққол кўзга ташланади.

Совет даври тарихшунослигига хос бўлган бир ёқламалик, воқеликни нотўғри талқин этиш ва уни сохталаштиришнинг асл сабаби ҳукмрон маъмурий-буйруқбозлик тизими, коммунистик мафкура тазйиқи, айниқса, 30-йиллардаги қатағонларга кўплаб жадид намояндаларининг тортилишидир.

Фақатгина 80-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан, собиқ совет жамиятида бошланган қайта қуриш, ошқоралик таъсирида жадидчиликка баҳо беришда ҳам бир оз ўзгариш кўзга ташланди. Ўрта Осиё халқларининг XIX аср охири XX аср бошларидаги ижтимоий ҳаётида жадидчиликнинг тутган ўрни ҳақида ижобий фикрлар билдирила бошланди ва бир қатор тадқиқотлар эълон қилинди.